



МАТОЛАРНИНГ НАҚШ БЕЗАКЛАРИДА РАМЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА АҲАМИЯТИ

¹Н.Н.Турсунов

¹Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти, т.ф.д.,

²Раҳматов Элёр,

³Нарзуллаева Раъно Нуруллаевна

^{2,3}Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали даволаш факултети 2-курс талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435629>

ARTICLE INFO

Received: 04th December 2022

Accepted: 13th December 2022

Online: 14th December 2022

KEY WORDS

ABSTRACT

Қадимдан тўқимачилик матолари нақш-безакларида ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, фалсафаси, ҳўжалик фаолияти, урф-одат ва маросимлари акс этган.

Қадимдан тўқимачилик матолари нақш-безакларида ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, фалсафаси, ҳўжалик фаолияти, урф-одат ва маросимлари акс этган. Қолаверса, буюмлар шакли, унга уйғун ҳолда бўлиниши ва берк ҳандасий майдон, ҳошия, йўл, турунжларга бўйсундирилган ўсимлик ва ёзувли нақш мужассамоти уларга узлуксиз ҳаракат, куч, чексизлик, барқарор сокинлик ҳиссини бахш этиш билан бирга ҳаёт жўшқинлигини ҳам яратади.

Инсонлар ўзи яшаб турган ҳудуд, жамият, давлат, гуруҳ ва ижтимоий муҳитда қабул қилган рамзлардан фойдаланганлар. Замонавий антропологияда Б. Франклиннинг (toolmaking animal) формуласи бироз ўзгартирилиб, “инсон ўзининг табиатига кўра (symbolmaking animal), яъни инсон нафақат “меҳнат қуроллари ишлаб чиқарадиган”, балки “рамзлар яратадиган” маҳлуқ ҳамдир”, деб талқин

қилинади¹. Демак, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди-ки, борлиқ, рамзлардан иборат, рамзлар эса борлиқнинг, инсониятнинг илк ҳақиқий ижодига хосдир.

Милоддан аввалги III-I минг йилликларда бронза ва темир даврида жамоавий уюшган гуруҳлар томонидан дунёни рамзлар орқали қабул қилган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган деган қарашлар шаклланиб келинган. Шунга кўра, инсон ўзи яратган буюмларни номлаши тўла маънода рамзлар тили дейиш мумкин. Рамзлар ўз-ўзидан шаклланмаган, улар инсоннинг тафаккури ва билиш маҳсули сифатида вужудга келган².

Илмий нуқтаи назардан рамз тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назарида, яъни тилшунослик, семиотика, этнология,

¹ Худайберганава З.Н. Рамзларнинг вужудга келиши.../ Таржиманинг лингвомаданий масалалари. - Тошкент, 2016. - Б. 73.

² Худайберганава З.Н. Рамзларнинг вужудга келиши...- Б. 74.



маданиятшуносликда турлича талқин қилинади:

1) рамз - белги билан ўхшаш тушунча;

2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида);

3) муайян маданий объект (маданиятшуносликда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда);

4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки маъносидан бошқа маъно учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.)³. Масалан, лингвокультурологияни ҳам рамзнинг белгилик жиҳати қизиқтиради. Агар оддий белги инсонга маъноларнинг предметлар оламига кириш имкониятини берса, рамз маъновий муносабатларнинг предметлар мавжуд бўлмаган оламига кириш имкониятини беради. Рамз белгиларнинг ўзига хос тури бўлиб, оламини тушуниши осонлаштириш, воқеликни образли ифода этиш учун хизмат қилади. “Рамз - моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмундир. Рамзнинг моҳиятини формал мантиқ доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас”⁴. Рамзлар жисм ва белгилар билан синонимдир. А.А. Сурковнинг фикрига қараганда, ҳар бир белги - бу тасвирдир ва ҳар қандай тасвир, ҳеч бўлмаганда, маълум даражада, белгидир. Аммо, рамз тасвирнинг ўз чегарасидан чиқиб

кетишини, баъзи маъноларининг мавжудлигини, тасвир билан узвий бирлашиб кетишини билдиради. Рамзнинг асосини тасвир ташкил этади⁵. Рамз - инсон руҳиятининг тили бўлиб, у табиат билан ана шу тилда гаплаша бошлаган⁶. Матоларнинг сўзана, кашта, зардевол турларида нақш-гуллари хилма-хил рангда ва турли шаклларда бўлиб, нақшлар семантикаси асосан ўсимликсимон (*ислимиё*) ва геометрик (ҳандасавий) кўринишларда акс эттирилади

Андижон, Самарканд, Бухоро, Марғилон, Хива, Тошкент тўқимачилик марказларида гулсиз ва мураккаб гулли ип, жун матолар тайёрланган. Матоларга солинадиган ёки тушириладиган нақшлар тасвири рамз-белгилар сифатида турличадир. Ушбу рамзлар ўтмишда ва ҳозирда ҳам ўзида кишиларнинг ўй - хаёллари, орзу-истаклари, психологик-ижтимоий онги, антропологик жиҳатлари ифода этилган. Масалан, нақшларда кўчманчилик маданиятига хос анъанавий мавзулар алоҳида ўринни эгаллайди. Масалан, “қўчқорак” (қўйнинг шохи) нақши Бойсун гиламлари ва кигизларига хос нақш бўлиб, ҳайвон тимсолларидан “кирмак” (чувалчанг), “зулук”, “илон изи” нақшлари ҳам кенг қўлланилган. Геометрик нақшлар асосан шакл ажратувчи чизиқларда, нақшларнинг

³ Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Издательский центр “Академия”, 2001. – С. 95.

⁴ Махмараимова Ш. Лингвокультурология: Ўқув қўлланма. - Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – Б. 146.

⁵ Алифиреенко Н.Ф. Лингвокультурология. - Москва: Флинта, 2016. – Б. 388.

⁶ Усмонова Х.А. Ўзбек лингвомаданиятида рамз тушунчасининг ифодаланиши // “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal. – Volume 3 Issue 1 / March 2022 ISSN 2181-063X 722 <http://oac.dsmi-qf.uz>.



сиртини ифодалашда қўлланилади⁷. Тоғ ва тоғ олди минтақаларида яшовчи аҳоли томонидан яратилган турли кашталар, сўзаналарда табиат манзаралари белгиларининг кўп ифода этилиши, аҳолининг қадимда кўчманчи турмуш тарзига асосланганлигидан далолат беради. Масалан, *ўсимлик элементлари*: япроқ гулли бурама йўллар (санъатшунослар уни “розетка” (япроқ гул)лар деб аташади), дарахт ва унинг шохлари, мевалари ва бошқалар; *хайвонот дунёси билан боғлиқ зооморф ва зоолатрик тасвирилар*: қушларнинг тасвири, қўй, илон ва бошқалар. Улар ҳар доим ҳам бирга тасвирланмайди. Кўп ҳолатларда уларнинг таналари қисман кўрсатилади.

Матоларга рамзли белгиларни туширишда, амалий санъат тарихида “бодом” ва “қалампир” илоҳий ўсимлик саналганлиги боис кўп қўлланилган⁸. Шунингдек, “қалампир” нақши ҳам инсонни турли хил ёмонликлар ва кўз-назардан асраш маъносида ифодаланган⁹. *Турли ёмон кўзлардан сақловчи ашёлар*: асосан туморлар, туркманларда “гуляйди ва дъяган” мотивлари, қирғизларда бўлса “умай” кабилар бўлиб рамзий маънода меҳроб тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. *Космогония билан боғлиқ нақшлар*: *ой тасвири, юлдузлар, тоғ, сув, қуёш ва бошқалар*; масалан, қадимда осмон, сув, кўкат, қуёш, ой ёруғлик ва зулмат - Тангрилар ҳисобланган; қуёш ўрнини

тун эгалларкан, эзгулик ва ёвузлик кураши кетяпти деб ўйлашган. Хайвонлар ҳам тангрилар эди, уларнинг ичида ҳам ёвуз ва эзгу ниятлилари ҳам бўлган. Эзгулик тангрилари осмонда, ер юзида ёруқлик билан яшашади, ёвузлик тангрилари ер остида, зулмат билан бирга яшашади деб тушунилган¹⁰.

*Гералдик(гербли тамға) композициялар*¹¹;

*Унча катта бўлмаган геометрик фигураларни ҳам келтириб ўтган*¹².

Таъкидлаш керакки, бундай нақш анъаналари бутун Марказий Осиё халқлари матоларида кашта, сўзаналар учун хос бўлиб, ҳозирги кунга қадар авлоддан авлодларга анъана тарзида ўтиб келмоқда. Тўғри уларнинг

¹⁰ Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши: Насафб 1999. - Б. 136.

¹¹ Геральдика (лот. heraldus — жарчи, герольд) — гербшунослик. XIX асрнинг II ярмидан гербларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани. Дастлаб XIII—XIX нинг I ярмигача дворян, цех ва ер мулкларининг гербларини тузиш билан герольдлар шуғулланганлар. XIV асрдан бошлаб гербчилар устахонаси ташкил топган, унда мураккаб ва рангли герблар яратилган. Бора-бора ўйлар, тарихий ёдгорликлар, давлат байроқлари, пуллар ва ҳарбий қуролларга герб суратларини тушириш одат тусига кирган.

Геральдика моддий маданият ёдгорликларини ҳамда гербли ва рамзли ёзма манбаларни ўрганади, миллий анъаналар, ижтимоий хусусиятлар, мамлакатлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрганишда ёрдам беради. Археологик қазишлар Ўзбекистонда ҳам қадимдан муҳрлар, тангалар ва буюмларга шаҳар, давлат, уруф ёки хунармандчилик уюшмаларининг герб суратларини тушириш кенг тарқалганини кўрсатади. Улар аждодларимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, турмуш маданияти ва санъатини ўрганишга, давлатлар ва сулолалар тарихини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи манбалардан биридир. Геральдика генеалогия, нумизматика, палеография ва сфрагистика кабилар билан алоқадор. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/geraldika-uz/>

¹² Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX - начала XX вв. Часть 1... - С. 43.

⁷ Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Akademnashr нашриёти, 2011. – Б. 224-225.

⁸ Фатхуллаев Р.С. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон амалий-безак санъатидаги тасвирий мавзулар... – Б. 84.

⁹ Булатов С., Салимов С., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. – Тошкент, 2007. – Б. 13.



баъзиларида кўриниши ва шаклига нисбатан ўзига хос инновацион-трансформацион ўзгаришлар бўлган бўлиши мумкин, аммо уларнинг маъноси, ифодаси ва кишилар руҳиятидаги ҳолати ўзгармасдан қолган.

Хулоса қилганда, сўзаналар, кашталарда нақш-белгилар семантикасини ўрганиш эса қуёш, зооморф нақшлар, бадий ўзига хос тасвирлар этник илдизларга бориб тақалади ва ундаги умумийликлар Ўрта Осиё, Эрон тўқимачилиги, тикувчилиги

анъаналари таъсирида бўлганлиги сезилиб туради. Жумладан, кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган кўчқор/эчки шохи туширилган нақшлар, шохсимон нақшлар билан бир қаторда геометрик нақшларнинг мавжудлиги умумий хусусиятлар касб этади. Бу эса матоларга туширилган кашталарнинг, сўзаналарнинг, зардеволларнинг, сочиқларнинг номланиши билан ажралиб турса-да, шакли ва кўриниши жиҳатдан ўхшашлигини кўрсатади.

References:

1. Алифиреенко Н.Ф. Лингвокультурология. - Москва: Флинта, 2016.
2. Булатов С., Салимов С., Мухторов А. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. - Тошкент, 2007.
3. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. - Қарши: Насаф. 1999.
4. Маслова В. А. Лингвокультурология. - М.: Издательский центр "Академия", 2001.
5. Махмараимова Ш. Лингвокультурология: Ўқув қўлланма. - Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017.
6. Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии в конце XIX – начале XX вв.-Т.: "Фан",1970. - С. 255.
7. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. Akademnashr нашриёти, 2011.
8. Фатхуллаев Р. Халқ безак санъатида анъанавий тасвирий мавзулар // San'at. - 2002. - № 1-2.
9. Худайберганаева З.Н. Рамзларнинг вужудга келиши.../ Таржиманинг лингвомаданий масалалари. - Тошкент, 2016.
10. Усмонова Х.А. Ўзбек лингвомаданиятида рамз тушунчасининг ифодаланиши // "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal. - Volume 3 Issue 1 / March 2022 ISSN 2181-063X 722 <http://oac.dsmi-qf.uz>.